



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil " 5 " may

К-392 -son

Termiz sh.

Жарқўрғон тумани "Сурхон" массиви "Янгиариқ" маҳалласи худудидан "SURXON YANGIARIQ YOSHLARI" ишлаб чиқариш кооперативига узумзор барпо этиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 2019 йил 20 мартдаги 4246-сон қарорига, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 30 апрелдаги 05-02/355-сон йиғилиш баёни, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 12 апрелдаги 01-05/134-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Жарқўрғон тумани "Сурхон" массиви "Янгиариқ" маҳалласи худудидан "SURXON YANGIARIQ YOSHLARI" ишлаб чиқариш кооперативига узумчиликка ихтисослашган хўжалик тармоғини ривожлантириш ва интенсив технологияларни жорий этиш мақсадида туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 871-дала контуридаги ўртача тупроқ унумдорлиги 43 балл бонитетли жами 15,2 гектар, шундан 15,0 гектар суғориладиган экин ер, 0,2 гектар ариқлар ер майдонлари "Узумзор" барпо этиш учун (49 йил муддатга) ижара ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий назорат қилиб бориш, ер участкасини узоқ муддатли ижарага олиш шартномасига ҳамда ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритиш юклатилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ кўмитаси ҳузуридаги Кадастр палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

4. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари У.Турапов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов